

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий шаҳар ХТБ мудири

Д.Т.Тухфатуллина



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий шаҳар -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоий шаҳар ХТБга карашли 10-мактаб худудидан бир дона тик кудук (скважин) ковлаш :
- 1.2. Танловнинг юкори қиймати **102 835 018 (Бир юз икки миллион саккиз юз уттиз беш минг нол ўн саккиз)** сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Навоий шаҳар ХТБ га карашли мактаблар** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Навоий шаҳар ХТБга карашли мактаблар.

Эл.адрес: navoiy_shxtb@x tv.uz

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий шаҳар ХТБ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ.

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёкат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
Иловада кўрсатилган молиявий кўрсаткичларни тақдим этиш; (“Махсулот етказиб берувчи тўғрисида маълумот.xls” файлидаги формалар кўринишида)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган товар, (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳраб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (физ обём, солиқдан қарзи йуқлиги хақида маълумотнома, банкдан айланма маблағлар мағжудлиги хақида маълумотнома, малака талаби техник ресурслар мавжудлиги хақида элонга қўйилган обектни бориб урганилганлиги туғрисида маълумотнома, (мактаб мамуриятидан) хужжатлар рўйхати илова қилинади) ортиқча хужжатлар жойлаштириш шарт емас;

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Давлат харидлари тұғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликада белгиланған тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликада белгиланған тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланған карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликада белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади

Техник қисм: Ушбу эълоннинг “Техник топшириқлар” . doc файлida қўрсатилган.



"ТАСДИКЛАЙМАН"
Навоий шаҳар ХТБ мудири
Д.Тухфатуллина
2022 йил

М.ў

Навоий шаҳар Халқ таълим булими.

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосиймаълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Навоий шаҳар ХТБга карашли 10- мактаб мактаб.
2	Буюртмачи	Навоий шаҳар ХТБ Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати.
3	Буюртма учун асос	Навоий шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 10- мактаб худудидан бир дона тик қудук (скважин) ковлаш
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Навоий шаҳар А.Темур 4 а уй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ташкилот иш тажрибасига эга бўлган хамда ишни сифатли бажариш имконият мавжуд бўлиши лозим. Иш бажарувчи смета ҳаражатларини ўз зиимасиг олади. Молиявий кўрсаткичлар таҳлили инобатга олинади. Бажарувчи томонидан назорат ўлчовидан ўтказиш ишлари ташкил қилинади.
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохнома. Ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи хужжат
7	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим килиниб шартнома ғазначилик бўлимидан ўтказилгандан сунг олдиндан 30 фоиз тўлаб берилади. Шартномада кўрсатилган а хизматлар тўлиқ амалга оширилгандан сунг қолган 70 фоиз маблағ кўчириб берилади. Бажарилган ишлар учун форма 2-3 хамда назорат ўлчови далолатномасига асосан тўлов амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома кўрсатилган муддат бўйича
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тулиқ риоя килиш шарт.
10	Молиялаштириш манбай	Навоий шаҳар ХТБ Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан ҳаражатлар сметаси бўйича